



ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Баҳоси 2 тийин.

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ— КОСМОСДА

БИРЛАШИШНИНГ ИЛК НАТИЖАЛАРИ

ФОЛИБЛАР

ЛАР

ловлар ўтказилган кун — 4 мартада бажари.

Бригада коллективи январь-февраль ойларида ишлаб чиқарган 11310 та бола-лаб кийимларининг барчаси I-сортга қабул қилинди. Эришилган муваффақиятлар илгор чеварларни янги меъра-ларлар сари итхомлантирмоқ-да.

А. КАРИМОВ,
бирлашма ишчиси.

А. КАРИМОВ,
бирлашма ишчиси.

ДЕПУТАТЛАР НАМУНАСИ

Янгибўла районидagi Шўралисой қишлоқ Совети янги хўжалик бўлиб, унинг территориясида бир неча саноат корхонаси, пахта тозалаш пункти, ремонт механика заводи жойлашган. «Партия XXI съезди» ва Х. Турсуновнинг номиди қолдоғлар ана шу қишлоқ Советига қарайди.

Бу ерда йил сайин маданий-маиший муассасалар сони кўпайиб, аҳолига хизмат кўрсатиш имконини йўлга қўйилмоқда. 9 та ўрта ва саноат йилини мектаблар, 50 ўқувчи касалхона, иккита поликлиника ва қатор савдо шохобчаларида маданий муассасалар қадар кўпайиб кетди.

Аҳолига кўрсатилаётган медицина хизматини яхшилаш, маданий-маиший тадбирларини амалга оширишда Д. Омонбоев, С. Ҳакимов сингари халқ вакиллари муносиб хисса қўйишди. Б. Эрматов, М. Бекирарова сингари депутатлар эса меҳнатда шахсий намуна кўрсатиб, ишлаб чиқариш илгирлари сафидан ўрин олишмоқда.

45 центнерлик мармари муваффақият билан эгалаган М. Султонов, Я. Сариев сингари депутат бригадалар номини ҳам бу ерда фахр билан тилга олишди. Н. Исомов, Т. Муродов каби халқ вакиллариини шахсий намуналарини ҳам кўчилишни янги марралар сари илқом-лангирмоқда.

Айни кунларда қишлоқ хўжалик ишлари бўйича деҳқон комиссияси баҳорги тадбирларини намуна тугаллади. Қишлоқ Советининг йилигида бу соҳада бажарилаётган ишлар сифати ва келгусидаги вазифалар яна бир бор аниқлаб чиқилди. — 75 нафар халқ вакиллари, — дейди қишлоқ Советининг раиси Р. Бўтбаев, — халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида актив иштирок этишмоқда. Хўжаликнинг меҳнат-кашларини ўртасида тушунириш ишлари олиб боришдан тортган, ишлаб чиқаришда ўрнатилган ҳақларни депутатларимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

С. АЛИЕВ.

ПРОСПЕКТ ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

ПОИТАХТИНИНГ Халқлар дўстлиги проспектида катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда. Бинокорлар, монтажчи ва сайёрачилар бу катта магистралнинг икки четини архитектуранинг сўнгги эволюцияси асосида, фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда осмонлар уй-жойлар, маданий-маиший ва маъмурий бинолар қуришмоқда. Бунга Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 153-трест 39-қурилиш бошқармасининг уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Раҳим Зиёев бош бўлган бригада аъзолари катта хисса қўйишмоқда.

Метрополитеннинг «Ҳамма» бекати ёнида бешқаватли 32 хонадонга мўлжалланган турар-жой биносини қурашмиш, — дейди бригада раҳбари. — Объект қурилишига февраль ойида кириштилган. Қисқа вақт ичида бионинг биринчи қавати қурилиши тугаллаб, ҳозир иккинчи қаватда гишт терини амалга оширилган.

Р. Зиёев бошлик бригада ўтган йили тошкентлик бир қатор ишлаб чиқариш илгирлари билан бирга савдо-саноат бинокорларининг «Бригадининг беш йиллик топишини» ҳам ишчи кучи билан бажарилади» деган ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берган. Коллектив икки нафар тажрибали қурувчиларни ишчи кучи етиштиришга қўлдош бериб, йиллик планни келгуси йилининг сентябрга оғина қадар бажаришга қарор қилган. Басилий Сизетана, Эркин Давлатов, Нигмат Қорбаев, Баҳодир Зулфаров сингари гишт терувчи, пайвандчи, дурадгорлар топириларини шараф билан адо этиш билан бирга, ёшларга устозлик қилишди.

Бригада аъзолари обьектдаги умумий қурилиш ишларини май ойининг охирига қадар тугаллашмоқчи.

А. НАЗАРОВ.

ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ СЎТИ

БўКА район партия комитетининг мажлисларида залда деворий газеталарнинг редакторлари ва жамоатчи мухбирлари сўти бўлиб ўтди. Сўтда район партия комитети секретари Ф. Азимхўжаева матбуот активларининг КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида доклад қилди. Х. ТЕМИРОВ.



СССРда Польша маданияти кунлари давом этаётган.

Қардошларимиз республикада тарихи, маданияти ва санъати билан яқиндан танишмоқдалар. Областидаги шахар ва қишлоқларида ҳам Польша санъати кўргазмалари очилди. «Ба-

хор» концерт залида Ўзбекистон ССР Давлат хизмат кўрсатган симфоник оркестрининг концерти бўлиб ўтди. Концертда поляк композиторларининг асарлари ижро этилди. Уларда поляк дирижери Войцех Михневский ва пианиночи Януш Олей-

ничаклар ҳам иштирок этишди. Суратда: поляк санъаткорлари В. Михневский ва Я. Олейничаклар Тошкент Давлат педагогика институтини студентлари даврасида.

Р. Шамсидинов фотоси. (ЎЗАТ).

ГУЛНИНГ ДАРДИ

Сахар чоғи гул ёнида,
Кўриб қолдим уч-тўрт
томчи ёш.
Ажаб, ахир кимнинг
доғида,
Ўртанибди экан эғиб бош?
Айт-чи гулим, йилгадиг
нега,
Не сабабдан чекдинг сен
алам?
Е тортдим фироқ
қаҳрига,
Еш тўқингми шу сахар
палла?
«Тун билан сайради
булбул,
Юз очмадим ишқи,
сўзига. Темир УБАЙДУЛЛО.

КЎКЛАМ ВА ҚИЗЧАМ

(Қизим Барнога)

Келди кўклам, эй қизчам,
Сени тонгдан уйғотай.
Силқиб тараб сочларинг
Кўклам каби безатай.
Қоқилганга, кел, боллаб
Тол баргаклар тақайини.
Ўсма қўйиб қошингга,
Баҳор бағрини ёқайини.
Кўриб қирғиз юзларинг
Қизгалдоқлар қизарсини.
Кўриб шаҳло қўзларинг
Бўтақўлар бўзарсини.
Югур қўм-қўқ қиларда,
Етломай қолсин еллар.
Қуйла бўстон, болларда,
Қизиб қолсин булбуллар.
Келди кўклам, эй қизчам,
Сени тонгдан уйғотай.
Сени расо безатай,
Баҳор рақсини қўзғатай.
Едгор бахши ИСХОҚОВ.

Америка—Совет дўстлиги миллий кенгаши ҳар йили баҳорда фестивал ўтказибди. Ана шу фестивалда қатнашши учун яна бир неча кундан сўнг Ўзбекистон делегацияси ва артистлар коллективини Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетади. Шу муносабат билан «Тошкент ҳақиқати» муҳбири С. Мусоев делегация аъзоси, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти президиуми раисининг урғибосари Сурат МИРҚОСИМОВ билан сўхбатлашди.

— Ўзбекистон ва АҚШ жамоатчилиги ўртасидаги дўстона алоқалар ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Шунинг асоси керакин, республикада жамоатчилиги Америка Қўшма Штатлари билан маданий алоқалар программасини амалга оширишда тобора актив иштирок этмоқда. 1976 йил Тошкентда «СССР—АҚШ» жамиятининг Тошкент шаҳар бўлими тузилган эди. Бу бўлим ишида республикамиз жамоатчилигининг таъкидлик вакиллари, олимлар, ёзувчилар, артистлар, ишчи ва хизматчилар қатнашиб келмоқда. Ўзбекистон пойтахти Тошкент совет шаҳарлари ичида биринчи бўлиб Американинг Сиэтл шаҳри билан биродарлашди ва у билан яқин алоқалар ўрнатди. Бугунги кунда океан орталаги бу шаҳар билан бизни мустаҳкам дўстлик ишлари боғлаб турибди.

АҚШдан йил сайин бизга кўп меҳмонлар келипти, улар республикамиз билан яқиндан танишши имконига эга бўлмоқдалар. Америкаликларнинг делегациялари пойтахтимизда ўтказилаётган турли халқаро урашув ва симпозиумларда қатнашмоқдалар.

Айни чоғда Ўзбекистон

жамоатчилигининг кўпгина вакиллари ҳам америкаликларни мамлакатимизга эришган ютуқлар билан таништиришмоқдалар. Бу борада ба-

газмаси ишлади. Таниқли америкалик расом Михаил Вербов ўзи махсус чинган Владимир Ильич Ленин портретини Ўзбекистон ССР санъат музейи учун топширди.

Ўзбек «Баҳор» рақс ансамбли билан Калифорния университетининг «Аман» Шарқ рақслари ансамбли ўртасида ҳам мунтазам алоқалар йўлга қўйилган.

— АҚШда ўтадиган бахорги фестивал ҳақида га-

пириб берсангиз.

— Фестиваль маршрути мамлакатнинг бир қатор шаҳарларидан ўтади. Ўзбекистонлик меҳмонлар АҚШнинг деярлик ҳамма йирик шаҳарлари: Нью-Йорк, Вашингтон, Филадельфия, Бостон

ҳамда мамлакат қарийдаги Портленд, Сан-Францискода бўлади. 20 кун давомида ана шу шаҳарларда Мункарама Тургунов ва номидаги Ўзбекистон ССР Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблининг томошалар кўрсатилади. Ансамблга америкалик таниқли раққоса Фэй Гринба-

ла отланишди. Улар америкалик томошаларига ҳам қизиқиш катта эътибор билан қатнашди. Ўзбекистон делегацияси халқ амалий санъати кўргазмасини ҳам олиб боради. Бундан ташқари графика кўргазмаси ҳам тайёрланди. Ўзбекистон расомлари Халқаро болалар йилига бағишланган асарларини юбормоқдалар. Бугунги Ўзбекистон ҳаёти ҳақида ҳужжатли фильмлар, фотосуратлар, республикамизда нашр этилган китоблар ҳам ҳижоа қилинди.

— Америкалик томошалар билан яна қандай санъат турлари билан таништирилади?

— Ўзбекистон халқ санъатининг бошқа намуналарига ҳам қизиқиш катта эътибор билан қатнашди. Ўзбекистон делегацияси халқ амалий санъати кўргазмасини ҳам олиб боради. Бундан ташқари графика кўргазмаси ҳам тайёрланди. Ўзбекистон расомлари Халқаро болалар йилига бағишланган асарларини юбормоқдалар. Бугунги Ўзбекистон ҳаёти ҳақида ҳужжатли фильмлар, фотосуратлар, республикамизда нашр этилган китоблар ҳам ҳижоа қилинди.

— Америкада бўладиган учрашувлардан қандай умид қилисангиз?

— Америка жамоатчилиги билан бизнинг учрашувларимиз икки томонлама фойдаланганга бўлади, деб ўйлаймиз. Одамларнинг бирини билан қўйиштиради, анд муҳим восита — бу ўзаро учрашувларнинг. Биз бу учрашувлар тинчлик ҳамда дўстлик йўлига, мамлакатимиз халқларининг бир-бирини тушунишига катта хисса бўлиб қўйишига ийтимиз.

МУЗЕЙ ХОДИМЛАРИ СЕМИНАРИ

Абдулла Ортиқов қишлоқ Советининг мажлисларида Тошкент, Сирдарё, Жиззах областлари қолхоз, совхоз музейлари ходимларининг зонал илмий-методик семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон қолхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилиги институтини совети Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Р. Х. Амминова «КПСС XXV съезди қарорлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республикада музейларнинг аҳоли ва унинг ишларини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарори асосида қолхоз ва совхозлар музейлари ходимларининг вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими С. Юсупов «Қолхоз ва совхоз музейларига материаллар йиғишни ташкил этиш, ривожланган социалистик давр экспозицияларини намойиш қилишнинг шакли ва методлари» тақдимотида доклад қилди.

Семинар қатнашчилари тажриба алмашди.

Семинар қатнашчилари «Ленинизм» қолхозининг «Меҳнат шухрати» музейи экспонатларини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

МУЗЕЙ ХОДИМЛАРИ СЕМИНАРИ

Абдулла Ортиқов қишлоқ Советининг мажлисларида Тошкент, Сирдарё, Жиззах областлари қолхоз, совхоз музейлари ходимларининг зонал илмий-методик семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон қолхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилиги институтини совети Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Р. Х. Амминова «КПСС XXV съезди қарорлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республикада музейларнинг аҳоли ва унинг ишларини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарори асосида қолхоз ва совхозлар музейлари ходимларининг вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими С. Юсупов «Қолхоз ва совхоз музейларига материаллар йиғишни ташкил этиш, ривожланган социалистик давр экспозицияларини намойиш қилишнинг шакли ва методлари» тақдимотида доклад қилди.

Семинар қатнашчилари тажриба алмашди.

Семинар қатнашчилари «Ленинизм» қолхозининг «Меҳнат шухрати» музейи экспонатларини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.


3. КУРТНЕЗОВ.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 13 апрель кунини ўтказилади.

Редатор

А. ИСМОИЛОВ.



Суратда: кўп кунлик велосипед пойғиси қатнашчилари.

А. Риев фотоси. (ЎЗАТ).